

**ИССИҚХОНА ВА ПАРНИК ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ –  
БУ ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ЯНГИ ИМКОНИЁТ**

*Ўзбекистон Экологик партияси  
Қораўзак тумани Кенгаши раиси:  
Келимбетова Анорхон*

Аҳоли сонининг ўсиш жадаллигини эътиборга олиб, Ўзбекистонда мамлакат аҳолисини юқори сифатли қишлоқ хўжалик озиқ- овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги вақтда мевачилик ва сабзавотчилик ҳамда узумчилик Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг устувор тармоқларидан ҳисобланади. Кейинги йилларда тармоқада етиштирилган сабзавотлар бозорларимизнинг ғарийб тенг ярмини қурайди.

Ўзбекистоннинг табиий –иқлимий шароитлари йил давомида етарлича ҳажмда иссиқхона сабзавотчилигини маҳсулотларини етиштиришга имкон беради.

Шу мунасабат билан ,ёпик ерда (иссиқхона ва парникларда )сабзават кўчатларини ўстириб ,уларни тупроқ –иқлимий шароитлар қулай бўлгандан сўнг очик ерга экилади.Бу эса маҳсулотнинг етилишини тезлаштиради.Бундан ташқари аҳолининг қиш-баҳор даврида сабзавотларга талаби катта бўлади.

Иссиқхоналарни барпо етишнинг асосий мақсади йил давомида очик ерда етиштириш мумкин булмаган сабзават маҳсулотларини ,шуниндек ,махаллий иқлимий шароитларда очик ерда ўстириш мумкин бўлмаган маҳсулотларни етиштириш ,очик ва ёпик ерга экиш учун кўчатлар тайёрлашдан иборат

Маҳсулот етилиши муддати ва даврийлигига қараб иссиқхоналар боҳарги ва қишки иссиқхоналар да етиштирилади.

Баҳорги иссиқхоналарда баҳор ва кўз мавсумида сабзават маҳсулотлари

етиштирилади .Бу даврда куёш радиацияси юқорирок бўлгани сабабли ,улар факат вақтинча ,заруриятга қараб иситилади.Яъни кескин совук тушиши даврида кўшимча иситиш учун сунъий иситиш тизимлари қўлланилади.

Кишки иссиқхоналар улардан йил давомида сабзоватчилик маҳсулотларини етиштириш ,шунингдек ,очик ва епик ерга экиш учун сабзавот кўчатларини тайёрлашда фойдаланилади.Уларда юқори қувватли иссиқлик қурилмалари қулланилади, қурилишда эса иссиқликни сақлаш учун металл конструкциялар ,ойна ,шиша пластик ва бошка материаллар ишлатилади.Шунинг учун бу турдаги иссиқхоналарни қуриш ва уларни эксплуатация қилишга нисбатан катта маблағ сарфланади.

Иситиладиган иссиқхоналардан фойдаланиш Қорқалпоғистоннинг шимолий туманлари ҳисобланган Кегейли ,Қанликул, Чимбой ,Тахтақўпир ва Муйноқ туманларида кенг йулга қуйилган.

«Кичик бизнес ва тадбиркорликни қуллав- қувватлаш » дастури асосида уй шароитида иссиқхоналар барпо этиш учун давлатимиз томонидан енгиллаштирилган кредитлар ажратилиб,тадбиркорларга моддий- техникалик ёрдам кўрсатилиб келинмоқда.

Қорқалпоғистонда иссиқхоналар ташкил этиш ва юқори даромадли қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш агротехникасида инновация ёндашувлардан фойдаланиш салоҳиятини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики ,иссиқхона хўжалигининг иқлим ўзгариши шароитларида фаровонлик даражасини кўтарувчи кўшимча манба сифатида яна кўплаб фойдаланилмаган имкониятлари мавжуд.

Қорқалпоғистонда табиий –иклимий шароитларнинг ўзгариши ,экологиянинг ёмонлашиши ,сув ,тупрок ва хавонинг ифлосланиши сифатли ва экологик тоза қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ишлаб чиқаришини кийинлаштирмоқда

Плёнка (ойна еки попикарбонат ) ўсимликларни нафақат ноқулой иклимий шароитлар ,зарақунонда ва касалликлардан ,балки хаво , ёмғир ва чанг билан тарқалувчи кимёвий ифлосланишдан ҳам химоя қилади.

Ундан ташкари ,йил давомида сабзоват ,гуллар ва кузиқорин етиштириш мавсумий озуқа етиштиришга қараганда тижорат жиҳатдан анча фойдали .

Юртимиз буйлаб « яшил йиллик» шиори остида олиб борилган кўкламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари давомида ,кейинги мавсум учун кўчатчилик захирасини ташкиллаштириш мақсадида фермер ва деҳқонларга,иссиқона билан шуғулланувчи тадбиркорларга кўчат етиштириб чиқаришга имкониятлар берилди.Боҳорги мавсумга дарахт –кўчатларини таййорлашда қиш мавсумида иссиқхоналардан фойдаланиб уларнинг сонини кўпайтириш мақсадга мувофиқ.Мана чундай эзгулик йулида қилинаётган ишларнинг бири сифатида Тахиётшош тумани «Мустақиллик » МФЙ худудида жойлаштирилган Ободонлаштириш бошқармасига қарашли кўчат ва гул етиштириш марказида ташкил этилган иссиқхонада қишда гул ва бодринг,помидор ,шивитлар етиштирилади.Бу етиштирилган гул кўчатлари эрта боҳарда туман кўчаларининг гўззалигига ўз ҳиссасини қўшади.сабзоватлар эса тумандаги меҳрибонлик уйи ва Қариялар уйига доимо хайрия қилиниб келинмоқда.

Хулоса урнида шуни айтиш жоизки иссиқхона хўжалги билан шуғулланиш –бу моддий мустақилликка бўлган йул ,доимий бандлик кафолати ва барқорар даромоддир.Ўз оила дастурхонимиз 4 фасл давомида тўкин –сочин бўлиши ,чунингдек халқимиз муҳтожини қондирувчи озуқа манбаидир.Иссиқхонада етиштирилган мева ва сабзоватларнинг ортикчасини маҳаллий бозарда сотиб ,шу билан оилани қўшимча даромад билан таъминлаш мумкин.

